



Ботухон барча бутпараст мўгул хонлари каби золим эди ва шу сабабли рус халкига жуда каттик зулм ўтказди. Шунинг учун унинг хукмронлик даври рус солномачилари тарафидан тарих варақларига “мўгуллар зулми” дея хат этилгандир.

1255 - йилда Ботухон вафот этиб, Олтин Ўрда тахтига унинг укаси Беркехон ўтиради. Орадан кўп ўтмай у Олтин Ўрдани мўгул империясидан мустақил, алохида хонлик деб эълон қилади. Хонликнинг пойтахтини ҳам Ботухон курдирган Сарой Боту шахридан шахсан ўзи курдирган Сарой Берке шахрига кўчиради ва давлат ишларини тубдан ислох қилишга киришади. Ўша ерда яшаган халқларнинг, шу жумладан русларнинг тарихида ҳам биринчи бор статистик ҳисоб- китоб ишларини бошлаб, мамлакатдаги фуқароларнинг ва уй хайвонларининг ҳисобини олади. Хонларнинг одатига айланган талончилик ва зулми така - так тўхтатади. Во ажаб! Беркехонга не бўлди? Нима уни зулмдан тўхтатди? Ожиз ва таркок Русь князликлари устига юриш қилиб, шаҳар ва қалъаларини камал қилиш билан кўркитиб, жарак - жарак олтинлар ундиришдан уни қандай куч қайтарди? У қимдан кўрқди?

Ха. Беркехон Аллоҳдан кўркан эди. Чунки у Ислом Динини кабул қилган эди. Исломда эса зулм харомдир. Олтин Ўрданинг энг биринчи мусулмон хони Берке Исломни кабул қилганидан кейин номини Саид Баракатхон деб ўзгартирди, саройга ислом уламоларини йигиб, улардан давлат ва фуқаролар ҳамда мамлакат бошқариш ҳақидаги исломий ҳукмларни ва исломий адолат асосларини ўрганди. Агарда у исломга кирмай ёввойи мўгул холида қолганида ва аждодлари каби зулми давом эттирганида рус халқи яна кўп қиргинларга учрар эди. Аммо, рус халқининг тарихий бахтига яраша у, яна бир мўгулий сулола - элхонийларнинг таъсирида исломни кабул қилди. Элхонийлар Чингизхоннинг невараси ва ўзининг ваҳшийлиги билан донг таратган Хулоқунинг авлодлари эди. Эрон, Ирок тарафга юриш қилиб, ўша тарафда қолиб кетган Хулоқунинг авлодлари у вафот қилганидан кейин ерли халқнинг динини кабул қилган эдилар.

...Шу ерда таъқидлаб ўтишимиз жоизки, ўша вақтга қадар инсоният тарихининг барча даврида қолиб халқнинг динини мағлуб халқ кабул қилиб қелган эди. Аммо ислом... илохий ҳақиқатлиги ва ботиний бўйсунмаслик қудрати туфайли уни қолиб халқ - мўгуллар мағлуб халқ - араблардан кабул қилдилар!

...Элхонийлар Беркехонга тоға бўлганлари сабабли бир бирларининг аҳволларидан тез - тез хабар олиб турардилар. Беркехоннинг мусулмон бўлишига қучли таъсир қилган яна бир шахс ислом оламини ёввойи мўгуллар истилосидан саклаб, уларни тор - мор қилган эрюррак Миср хукмдори Рукнуддин Бейбарс бўлса ажаб эмас. Асли қелиб чиқиши

Еттисувлик киргиз туркларидан бўлган Бейбарс Аббосий халифаларга харбий хизматга ёлланган мамлук эди. Такдир тақозоси ҳамда ўзининг довораклиги ва уддабурронлиги натижасида у Мисрдаги мамлуклар давлатининг султони даражасига етди. Рукнуддин Бейбарс ислом хукмларини маҳкам ушлаган, адолатли султон бўлганлиги сабабли жуда кўп подшоҳларга ўрнак бўлган. Унга хатто насоро подшоҳлари ҳам хавас билан қарашиб, ўзаро муносабатлар ўрнатишга интизор бўлишган. Кечаги ёвуз Берке, бугунги Саид Баракатхон ҳам Бейбарс каби адолатли бўлишга интилдди. Мамлакатга ислом адолати билан ҳукм килди. Шаҳарларга масжидлар қурдириб, ислом даъватини бошлади. Аммо, икки юз йил илгари насоро динини кабул килган рус халқини исломни кабул қилишга мажбурламади. Ваҳоланки, руслар Олтин Ўрда хонлигининг фуқаролари эди. Саид Баракатхон 1266 - йилда вафот килди.